

“O‘ztemiryo‘lyo‘lovchi” АЖнинг
“_____” _____ 2024 йилдаги
№_____ -сонли буйруғига ___-илова

“O‘ZTEMIRYO‘LYO‘LOVCHI” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ КОДЕКСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Кодекснинг мақсадлари

Ушбу Кодекснинг мақсадлари куйидагилар ҳисобланади:

“O‘ztemiryo‘lyo‘lovchi” акциядорлик жамияти ходимларининг (кейинги уринда – Жамият ходимлари) касбий фаолиятини амалга оширишлари учун умумий одоб-ахлоқ нормалари ва қоидаларини белгилаш;

Меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, уларнинг аниқлаш ва уларга сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш;

Жамият ходимларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларига қатъий амал қилиш руҳида тарбиялаш;

Жамият ходимларининг ушбу Кодекс нормаларини билиши ва уларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш.

2-модда. Кодексни асосий вазифалари

Ушбу Кодекснинг асосий вазифалари Жамият ходимларининг фаолиятига оид касбий мажбуриятлар, хизматдаги одоб-ахлоқ нормалари ва қоидаларни белгилаш, мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишга доир чораларни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

3-модда. Жамият ходимларининг одоб-ахлоқига оид қонунчилик ҳужжатлари

Жамият ходимларининг одоб-ахлоқига оид қонунчилик ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан, ушбу Кодексдан ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари ҳамда Жамиятнинг ички тартиб қоидаларидан иборатдир.

4-модда. Ушбу Кодекснинг қўлланиш соҳаси

Ушбу Кодекс талаблари эгаллаб турган лавозими, хизмат ваколатлари ва мавқиедан қатъий Жамиятнинг барча ходимларига қўлланилади.

Жамиятнинг барча ишчи-ходимлари, шу жумладан ишга кираётган ҳар бир шахс одоб-ахлоқ кодекси билан расмий тарзда таништирилиши шарт.

5-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу кодексда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Жамият ходимларининг шахсий манфаати – Жамият ходими томонидан ўз хизмат вазифаларини бажаришда унинг яқин қариндоши, унга алоқадор бўлган тижорат ташкилотларнинг вакиллари ёки акциядорлари томонидан Жамият ходимининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий

қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш;

Жамият ходимларининг одоб-ахлоқи – Жамият ходимлари эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар риоя қилиш шарт бўлган касбий хизмат одоб-ахлоқ нормалари, принциплари ва қоидалари ҳамда ҳулқ-атворларининг умумий йғиндиси;

иш жараёнидаги меҳмондўстлик белгилари – Давлат хизматчиларнинг иш фаолияти давомида бошқа шахслар томонидан уларнинг манфаатида тушлик, кечки овқатланиш, транспорт, истиқомат қилиш ва бошқа харажатларни қоплаш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширилиши;

манфаатлар тўқнашуви – қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган лавозимини эгаллаб турган шахснинг бевосита ёки билвосита шахсий манфаати мансаб (хизмат) мажбуриятларини объектив ва холис бажаришига таъсир курсатувчи ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки келиши мумкин бўлган вазият;

махаллийчилик – шахснинг бирор-бир ҳудудга мансублигига асосан унга турли имтиёзлар бериш ёки бошқа шахсларга нисбатан унга асоссиз устуворлик бериш. Бунда, давлат хизматчиси томонидан у мансуб бўлган ҳудудий фуқароларидан устун қўйиш, бошқаларни менсимаслик ва уларга ишонмаслик кўринишида намаён бўлади;

совға – жамият ходимига бепул бериладиган ҳар қандай мулк;

тақиб қилиш – жамият ходими томонидан ўзининг қариндошлари ёки дўстларига асоссиз имтиёзлар бериш мақсадида лавозим ваколатларидан фойдаланиш ва (ёки) бошқа шахсларга таъсир ўтказиш;

фаворитизм – жамият ходими томонидан бир шахс ва (ёки) шахслар гуруҳи манфаатларидан устун қўйиш ҳолати.

6-модда. Жамият ходимларининг асосий одоб-ахлоқ принциплари

Жамият ходимлари ўз касбий фаолиятини қуйидаги принциплар асосида амалга оширишлари керак:

қонунийлик;

адолатлилик;

фуқароларнинг ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатлари устуворлиги;

ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидайилик;

давлат ва жамият манфаатларига садоқат;

халоллик;

холислик;

очиклик;

коррупцияга тоқатсизлик;

профессионализм ва лаёқатлилик;

самарадорлик ва тежамкорлик.

Жамият ходимлари фаолият йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ва туридан келиб чиқиб қўшимча принциплар белгиланиши мумкин.

Жамият ходими томонидан ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилаг принципларига риоя қилинмаслиги хизмат текшируви учун асос бўлиб хизмат қилади.

7-модда. Қонунийлик принципи

Жамият ходими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари ҳамда Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига аниқ риоя этиши ва уларнинг талабларини бажариши шарт.

8-модда. Адолатлилик принципи

Жамият ходими ўзининг хизмат мажбуриятларини адолатли, тезкор, виждонан ва юқори профессионал даражада бажариши керак.

Жамият ходимлари мажбуриятларини бажаришда камситиш ҳамда ижтимоий, ирқий, миллий диний ва бошқа шу каби мезонлардан келиб чиққан ҳолжа қўлланилиши мумкин эмас.

9-модда. Фуқароларнинг ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатлари устуворлиги принципи

Жамият ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузулишига йўл қўймайдилар ҳамда улар бузилган тақдирда уларнинг тикланишига ҳисса қўшадилар.

10-модда. Ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидойилик принципи

Жамият ходимлари ўз фаолиятини юксак ватанпарварлик, хизмат бурчига фидойилик ва бошқа ахлоқий фазилатларига асосланган ҳолда амалга оширадилар.

Жамият ходими ўз хизмат вазифа ва бурчларини шахсий манфаати, мафқуравий ва диний қарашларидан қатий назар бажариши шарт;

11-модда. Фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларига садоқат принципи

Жамият ходимларининг ўз мансаб (хизмат) мажбуриятларини виждонан бажаришига ҳамда фуқаролар, жамият ва давлат манфаатлари устуворлигига риоя этган ҳолда шахсий манфаатлари таъсири билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши лозим.

12-модда. Ҳалоллик принципи

Жамият ходимининг ҳалоллиги ўз вазифасини виждонан бажаришида, ростгўйлигида, номақбул ҳаракатларидан ўзларини тийишида намоён бўлади.

Жамият ходими беғараз бўлиши, манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа шахсларнинг босимлари сабабли ўзининг касбига оид фикр-малоҳазасида тавақалчилик қилмаслиги, Жамиятнинг обрўсига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатларга йўл қўймаслиги керак.

13-модда. Холислик принципи

Жамият ходими ўз хизмат вазифасини бажаришида бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлак бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиши ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик керак.

14-модда. Очқлик принципи

Жамият ва унинг тизим ташкилотларида ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш ҳолатига оид маълумотлар, агарда улар давлат сирини ёки

Қонунчилик ҳужжатлари билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар бўлмаса, Жамиятнинг расмий вебсайтида эълон қилиниши мумкин.

15-модда. Коррупцияга тоқатсизлик принципи

Жамият ходими коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши, унга қарши курашиш ва уларнинг профилактикасига фаол қўмаклашиши шарт.

Жамият ходими уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишига кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳолатлар тўғрисида, шунингдек Жамиятнинг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ухшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёки Жамиятнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича бириктирилган ходимга ёхуд Жамият бошқарув орган орали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт.

Жамият ходими бенуқсон ишчанлик обрўсига эга бўлиши, жамоада маънавий ва рухий муҳитни соғломлаштириши, шунингдек хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни доимий равишда ошириши лозим.

17-модда. Самарадорлик ва тежамкорлик принципи

Жамият ходими ҳз вазифаларини қонунчилик ҳужжатлари, Жамиятнинг ички идоравий тартиб қоидаларига мувофиқ равишда самарали бажариши керак.

Жамият ходимлари ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт.

18-модда. Жамият ходимлари фаолиятидаги чекловлар

Жамият ходимлари куйидагиларга ҳақли эмас:

ўз хизмат мавқеини суистеъмол қилган ҳолда фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зарар етказиш орали шахсий фойдани олишга;

ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан совға ёки бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф қўришга.

Жамият ходимларига мазкур моддада белгиланган чекловлардан тақари бошқача чекловлар Қонунчилик ҳужжатлари ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари билан белгиланиши мумкин.

19-модда. Жамият ходимларининг бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғурланиши

Жамият ходимлари бўйсунувчи ёки бир-бирининг назоратидаги тизим ташкилотда ўриндошлик асосида ишлаши тақиқланади, агарда қонунчилик ҳужжатлари билан бошқа талаб ва шартлар белгиланган бўлмаса.

Жамият ходимлари илмий, спорт педагогик ҳамда иновацион ғоя ва тақлифларни татбиқ этиш билан боғлиқ фаолият билан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширишлари мумкин.

20-модда. Жамият ходимларининг ўз мансаб ваколатини суистеъмол қилиши

Жамият ходимлари ўз мансаб ваколатини суистеъмол қилган ҳолда фуқаролар, Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ҳамда давлатнинг қонун билан

кўрикланадиган манфаатларига зарар етказиш орқали шахсий фойдани олиши мумкин эмас.

Жамият ходимларининг ўз мансаб ваколатларида қастдан фойдаланиши фуқаролар, Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ҳамда давлатнинг қонун билан кўрикланадиган манфаатларига зарар етказган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

21-модда. Жамият ходимларининг ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан жисмоний ёки юридик шахслардан наф кўриши

Жамият ходимларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан тўғридан-тўғри ёки учинчи шахслар орқари жисмоний ёхуд юридик шахслардан ҳар қандай кўринишдаги моддий бойликларни олиш ёхуд хизматларни қабул қилиш тақиқланади.

Жамият ходимининг шахси билан боғлиқ совғаларни ёки иш жараёнида меҳмондўстлик белгилари қабул қилиш мазкур Кодекснинг 36 ва 37-моддаларида кўрсатиб ўтилган тартибда амалга оширилади.

Совға ёки иш жараёнидаги меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш қонунийлигига ҳар қандай шубҳа пайдо бўлган тақдирда Жамият ходими Жамият ёки унинг тизим ташкилотларнинг коррупцияга қарши масъул ходимига мурожаат этиши керак.

22-модда. Жамият ходимларининг одоб-ахлоқ мажбуриятлари

Жамият ходими қуйидаги одоб-ахлоқ мажбуриятларига эга:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек ўзи фаолият олиб бораётган ташкилотнинг ички ҳужжатларига амал қилиши;

ўз фаолиятини лавозим йўриқномаси ва ички ҳужжатларда белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларнинг каситмаслик, улар таъсиридан ўз мустақиллигини сақлаб қолиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;

хизмат мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилиш ёки уларни бажаришда бирон-бир шахсий, мулкӣ ёки бошқа мафаатларига таалуқли бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлардан узини тийиш;

ўз ваколатларидан Жамиятнинг ёки унинг масабдор шахслари фаолиятига нокнуний аралашиш мақсадида фойдаланмаслик;

турли этник, ижтимоий гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ва бошқа хусуиятларини ҳисобга олиб, ижтимоий барқарорлик, миллатлар ва конфессиялааро тотувликка кўмаклашган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатлар халқларнинг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш;

ходимлар томонидан ҳз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа уйғотиш мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш ва ўз обрҳси ёки Жамиятнинг нифузини таҳдид остига олиши мумкин бўлган вазиятларни олдини олиш;

гуруҳбозлик, махалийчилик, таниш-билишчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олишда иштирок этиш;

Жамият ёки унинг тизим ташкилотининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишда расмий оммавий ахборот воситалари вакиллари фаолиятига

хурмат билан муносабатда бўлиш, шунингдек, сўралаган давлат ёки тижорат сири бўлмаган маълумотларни бевосита ташкилот раҳбарининг рухсати билан тақдим этилишида кўмаклашиш;

оммавий ахборот воситалари ходимлари билан муносабатда ваколатига кирмайдиган кирмайдиган ёки аниқ маълумотга эга бўлмаган вақтда асослангилган расмий маълумот тақдим қилинишини маълум қилиш;

Жамият ва унинг тизим ташкилотларига таалуқли хабарлар ва хизмат ахборотларини тақдим қилишни белгиланган қоидаларига риоя этиш;

махфий ахборотдан фақат хизмат мақсадларда фойдаланиш, шунингдек махфий ахборот ва шахсий маълумотларни нобуд қилиш, йўқотиш, ўзгартириш, ошкор қилиш, зарар етказиш, рухсатсиз фойдаланиш хавфидан тегишли даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганида хизмат хоналари. Жамият мулки, моддий-техник базадан ҳамда Жамиятнинг бошқа мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган декларацияларнинг тўлдириш тартибга қатъий риоя қилинишини таъминлаш;

ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймаслик;

манфаатлар тўқнашуви юзага келаётган тақдирда ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиш;

Жамият ва унинг тизим ташкилотлари раҳбарияти нуфузига салбий таъсир кўрсатадиган ҳамда аниқ бўлмаган (асосланмаган) хабарларни оммавий ахборот воситалари ёки ижтимоий тармоқларда тарқатмаслик;

қонунбузарлик содир этишга ундаб ўзига мурожаат қилган ҳолатлар, шунингдек, Жамият ва ёки унинг тизим ташкилотларнинг бошқа ходимлари томонидан содир этилган ва ўзига маълум бўлган ҳар қандай қонунбузарлик фактлари ҳақида бевосита раҳбарларга ёки коррупцияга қарши курашиш масъул ходимига хабар бериш;

Жамият ходимларининг фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик ҳужжатларида ҳамда Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларида қўшимча мажбуриятлар белгиланиши мумкин.

Жамият ходимлари мазкур модданинг биринчи қисмида белгиланган мажбуриятларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мазкур Кодексда белгиланган қоидалар бўйича коррупцияга қарши ички назорат масъул ходимидан тушунча олиш;

коррупцияга қарши ички назорат тузулмаларига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиб ҳзларини таъқиб қилишдан ҳимояланиши;

юқори турувчи давлат ташкилотларига ёки судга мурожаат қилиш.

Жамият ходимининг фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик ҳужжатларида ҳамда Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларида қўшимча ҳуқуқлари белгиланиши мумкин.

23-модда. Жамият ва унинг тизим ташкилотларида раҳбар лавозимидаги ходимнинг одоб-ахлоқ мажбуриятлари

Жамият ва унинг тизим ташкилотларида раҳбар лавозимидаги ходим ушбу Кодекснинг 23-моддасида назарда тутилган одоб-ахлоқ ҳуқуқ ва мажбуриятларда ташқари қуқуйидагиларга мажбур:

ўз мансаб мажбуриятларини бажаришда мазкур Кодексда белгиланган одоб-ахлоқ нормалари ва тамойилларига сўзсиз риоя қилинишида шахсий намуна кўрсатиш;

таъқиб қилишга йўл қўймаслик ва ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш, рағбатлантириш ва хизмат бўйича кўтарилишда тенг ҳуқуқ ва имкониятларига кафолат бериш;

ўзига бўйсунувчи ходимлар билан муносабатларда узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш, мақсадлар умумийлиги, ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш ва ҳисобга олиш, ижтимоий шерикликни ўрнатиш;

манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал қилиш бўйича ўз вақтида бирламчи чораларни кўриш;

гурухбозлик, махаллийчилик, таниш-билишчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларининг қатъий равишда олдини олиш;

коррупцияни олдини олиш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишда фаол қатнашадиган ходимларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича чоралар кўриш;

вазифалар доираси аниқ белгилаб олиш ва бўйсунувчи ходимлар ўртасида уларнинг мансаби ва қисбий лаёқатидан келиб чиқиб тақсимлаш, ходимнинг лавозим мажбуриятлари доирасидан четга чиқадиган вазифаларини бермаслик;

ходимни асосиш равишда рағбатлантириш ва лавозим бўйича кўтарилишига йўл қўймаслик, шунингдек, ноҳуя хатти-ҳаракатларга қарши чоралар кўриш;

ходимларни мажбурий меҳнатда, жумладан, шаҳар ҳудудларини ободонлаштиришда, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларида, металл қолдиқларини йиғишда, шунингдек, бошқа мавсумий тадбирларда қатнашишларини олдини олиш (Жамият ва унинг логистика марказлари ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар маҳкамасининг тегишли қарори билан хавфсизлик сатандартларига қатъий риоя қилинган ҳолда ихтиёрий ҳашар ташкил этиладиган ҳоллар бундан мустасно);

Жамият ходимларини самарали бошқариш, улар томонидан Жамият мол-мулки ва молиявий ресурслари билан эҳтиёткор ва тежамкор муносабатда бўлишларини кузатиш;

Ўзига бўйсунувчи ходимлар томонидан мазкур Кодексда белгиланган қоидалар бузулишини олдини олишга бўлган ҳаракатсизлиги учун жавоб бериш.

Жамиятнинг тизим ташкилотлари ўз фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзларининг ички идоравий одоб-ахлоқ қоидаларида қўшимча мажбуриятлар белгилаши мумкин.

Жамиятнинг тизим ташкилотлари ўз фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзларининг ички идоравий одоб-ахлоқ қоидаларида қўшимча мажбуриятлар белгилаши мумкин.

24-модда. Манфаатлар тўқнашувининг олдини тадбирлари олиш чора-тадбирлари

Жамият ходимлари Жамият ёки унинг тизим ташкилотларига ишга киришда ва ишлаш даврида ўзи ва яқин қариндошлари алоқадор бўлган тижорат ташкилотлари тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда тақдим қилиши шарт.

Жамият ва унинг тизим ташкилотлари таркибий бўлинмаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритаётган шахслар Жамият ва унинг тизим ташкилоти фаолиятида манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича ваколатли шахс ҳисобланади.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотларни бевосита бўйсунувчи Жамият ходими орқали олган раҳбар уни ҳал қилиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши ҳамда бу ҳақдаги маълумотни Жамият ва ёки унинг тизим ташкилоти персоналларни бошқариш бўлимига бир кун ичида тақдим қилишлари шарт.

Жамият ва унинг тизим ташкилотларида ташкил қилинган одоб-ахлоқ комиссияси томонидан ҳар ойда бир мартаба ўз идорасида манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини тартибга солиш бўйича қабул қилинган чоралар етарлилиги ва мутаносиблиги юзасидан кўриб чиқади.

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш қонунчилик ҳужжатлари ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

2-боб. Жамият ходимларининг одоб-ахлоқ масалалари бўйича ваколатли тузилмалар

25-модда. Жамият ходимларининг одоб-ахлоқ масалалари бўйича ваколатли тузилмалар

Жамият ходимларининг одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилишларини таъминлаш бўйича Жамият ва унинг тизим ташкилотларидаги одоб-ахлоқ комиссиялари, кадрлар билан ишлаш ҳамда коррупцияга қарши ички назорат бўйича масъул ходим масъул ҳисобланади.

Жамият ва унинг тизим ташкилотларида одоб-ахлоқ комиссияларининг ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тартиби мазкур Кодекс талабларига мувофиқ ташкилотлар раҳбарлари томонидан белгиланади.

Жамият ходимларининг мазкур Кодекс талабларига риоя қилиниши устидан доимий назорат Жамият ва логистика марказлари ташкилотларидаги персоналларни бошқариш бўлими томонидан амалга оширилади.

26-модда. Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг одоб-ахлоқ комиссиялари

Ушбу Кодекс қоидаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Жамият ва унинг тизим ташкилотларида Жамият ходимлари орасидан (Жамият ва унинг тизим ташкилотлари биринчи раҳбарлари бундан мустасно) камида беш кишидан иборат таркибда одоб-ахлоқ комиссияси тузилади.

Одоб-ахлоқ комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади: Жамият ходими томонидан ушбу Кодекс қоидаларига риоя этиш масалаларини кўриб чиқиш; ушбу Кодекснинг қоидаларига риоя этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

хизмат текшируви натижалари асосида Жамият ходими томонидан ушбу Кодекс нормаларида белгиланган талаблар бузилиши ҳолатлари тўғрисида хулосани кўриб чиқиш ва бу ҳақдаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисида тегишли хулосани тайёрлаш;

манфаатлар тўқнашуви бошқарувининг қоидаларига риоя этилишини мониторинг қилиш;

раҳбариятга огоҳлантириш, интизомий ёки бошқа жазо чораларини кўриш тўғрисида таклиф киритиш;

ушбу кодексни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ушбу Кодекс талабларига риоя қилиш ҳолати бўйича йиллик ҳисоботларни тайёрлаш ва Жамиятнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш. Одоб-ахлоқ

комиссиялари қонунчилик ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

27-модда. Жамият ва унинг тизим ташкилотлари коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари

Жамият ва унинг тизим ташкилотлари коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ўз ваколатлари доирасида:

Жамиятнинг тизим ташкилотлари томонидан қабул қилинадиган ички идоравий одоб-ахлоқ қоидаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказди;

Жамият ходими учун одоб-ахлоқ қоидалари ва коррупцияга қарши мурасизликни шакллантириш бўйича ўқитишларни ташкил этади;

Жамият ходимининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш соҳасидаги коррупциявий хавфхатарларини баҳолаш натижаларини умумлаштиради;

Жамият ва унинг тизим ташкилотларига Жамият ходими ҳамда унинг турмуш ўртоғи ва вояга этмаган фарзандлари томонидан даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш тизимини жорий этишга қўмаклашади.

Коррупцияга қарши назорат тузилмалари қонунчилик ҳужжатларига ҳамда Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Жамият ходимининг касбий мажбуриятлари ва хизматдан ташқарида бўлган одоб-ахлоқ нормалари ва қоидалари

28-модда. Жамият ходимининг касбий одоб-ахлоқ қоидалари

Жамият ходимининг касбий одоб-ахлоқ қоидалари профессионал фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзига хос ҳолатларни ҳисобга олувчи узини тутиш, ахлоқий нормалар ва қоидалар тизими.

Жамият ва унинг тизим ташкилотлари Жамият ходимларини йилига бир марта коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича махсус ўқув курсларда ўқишларини ташкил этиши лозим.

29-модда. Жамият ходимининг ташқи кўринишига оид талаблар

Жамият ходимининг ташқи кўриниши меҳнат шароитлари ва хизмат турига қараб, хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида фуқароларнинг ташкилотларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига қўмаклашиши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши ва расмийлик, нейтраллик, камтарлик ва интизомни намоеън этиши лозим.

Жамият ва логистика марказларида барча ходимларга иш жойида бир хилда уларнинг сиёсий ва мафкуравий қарашларини ёки динга муносабатини акс эттирувчи либосларда бўлиш ёки белгиларни тақиб юриш тақиқланади.

Жамият ва логистика марказларининг ходимлари ташқи кўриниши ва кийиниш услубига оид намунавий талаблар Жамиятнинг томонидан белгиланади.

Жамият ва унинг тизим ташкилотларида идоравий формали кийим-бош кийиб юриш тартиби Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан белгиланади.

30-модда. Жамият ходимининг иш вақтидан ташқари ўзини тутиш одоб-ахлоқ нормалари

Иш вақтидан ташқари, Жамият ходими, умум эътироф этилган одоб- ахлоқ нормаларига амал қилган ҳолда Жамиятнинг ишчанлик обриси ва нуфузига путур етказадиган хатти-ҳаракатлардан тийилиши лозим.

31-модда. Жамият ходимининг фуқаролар билан муносабатидаги ўзини тутиш қоидалари

Жамият ходими холислиги, мустақиллиги фуқаролар билан муносабатларда ўзларининг ва беҳаразлигига шубҳа остига қўядиган, шунингдек, ҳар қандай афзалликлар, ғаразлилик ва коррупцияни келтириб чиқарувчи вазиятлардан ўзини тийиши шарт.

32-модда. Жамият ходимининг чет эл ва ҳудудий хизмат сафарларида ўзини тутиш касбий одоб-ахлоқ қоидалари

Жамият ходими чет эл ва ҳудудий хизмат сафарларида Қонунчилик ҳужжатлари ва ички идоравий ҳужжатларида белгиланган тартиб қоидаларга риоя қилган ҳолда зиммасига юклатилган вазифани бажариши лозим.

Жамият ходими чет эл ва ҳудудий хизмат сафари давомида уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга қўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек бошқа Жамият ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида хизмат сафаридаги масъул раҳбарига ёки Жамиятнинг коррупцияга қарши ички назорат бўйича масъул ходимига, жамият бошқаруви органи ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини хабардор қилишлари шарт.

33-модда. Жамият ходимининг шахси билан боғлиқ совғаларни қабул қилишга оид талаблар

Жамият ходими томонидан бошқа Жамият ходимларига шахсий байрамларда яъни туғилган кун, бола туғилиши, "Ватан ҳимоячилари куни", "Халқаро хотин - кизлар куни" ҳамда ходимларнинг расмий вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган байрамларда берилган совғалар шахс билан боғлиқ совғалар сифатида эътироф этилади.

Жамият ходимлари ўзларининг шахси билан боғлиқ бўлган совғаларни қабул қилишда қуйидаги талабларга риоя қилишлари шарт: совғалар Жамият ёки унинг тизим ташкилотининг камида учта ходимлари расмий иштирокида берилиши керак;

совға бериш совғага сабаб бўлган воқеани аниқ ифодаловчи табрик нутқи билан бирга бўлиши керак;

меҳнат жамоаси томонидан бериладиган совғанинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ошмаслиги лозим;

биргина Жамият ходимининг бошқа Жамият ходимига совға учун сарфлаган пул миқдори ҳар бир ҳолатда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан ошмаслиги лозим.

Мазкур Кодекс талабларидан келиб чиқиб, ноқонуний совға сифатида қуйидагилар тан олинмайди:

давлат ёки халқаро ташкилотлар томонидан Жамият ходимига тўланадиган грантлар, стипендиялар, мукофотлар;

яқин қариндошлари томонидан бериладиган совғалар;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ташкилотлари томонидан Жамият ходимига текин ёки имтиёзли шартларда бериладиган мулк.

Протокол тадбирлари, хизмат сафарлари ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан Жамият ходими олган совғаларни ходимнинг ўзида қолдириш ёки жамият балансига олиш бўйича Одоб-ахлоқ комиссияси қарор қабул қилади.

Жамият ходимида совға қабул қилишнинг қонунийлиги бўйича шубҳа туғилганда, Жамият ёки унинг тизим ташкилотларидаги коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларига муурожаат этиши керак.

Жамият ходими томонидан хизмат фаолияти давомида қабул қилишда рад этган ва қабул қилинган совғалар ва меҳмондўстлик белгиларига оид ҳолатларни Жамият ва унинг тизим ташкилотларида электрон шаклда юритиладиган совғалар ва меҳмондўстлик белгилари реестрига киритилиши лозим.

34-модда. Иш жараёнидаги меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш учун талаблар

Жамият ходими томонидан назорат-текширув тадбирлари ўтказилаётган Жамият ташкилотининг раҳбари ёки ходимларининг иш жараёнидаги меҳмондўстлик белгилар бўйича таклифларни қабул қилишлари тақиқланади.

Жамият ходими томонидан ҳудудий хизмат сафарларида ушбу Кодекснинг 35-моддасида белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда иш жараёнидаги меҳмондўстлик белгилари бўйича таклифларни қабул қилишлари тақиқланади.

Агарда иш жараёнидаги меҳмондўстлик белгилари Жамият ходимининг хабардорлигисиз амалга оширилган тақдирда, Жамият ходими ушбу ҳолатлар юзасидан хабар топган вақтдан бошлаб Жамият ёки унинг тизим ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларига бир иш куни ичида хабар беришлари керак.

Ушбу моддада назарда тутилган талабларга риоя қилмаганлик ҳолатлари аниқланган тақдирда Жамият ходимига нисбатан хизмат текшируви тайинланади ва тегишли тартибда интизомий жавобгарликка тортиш масаласи одоб-ахлоқ комиссиясида кўриб чиқилади.

35-модда. Жамият ходимининг касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборот ва шахсга доир маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш

Жамият ходимлари касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланишини ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт, уларнинг ошкор этилганлиги учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Жамият ходимининг розилиги ёки бошқа қонуний асос мавжуд бўлмаса унинг шахсига доир маълумотларни ошкор этиш ва тарқатишга йўл қўйилмайди.

Жамият ходимига доир маълумотлардан фойдаланиш қонунчилик ҳужжатлари ҳамда Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ тартибда амалга оширилади.

4-боб. Жамият ходимининг бошқа соҳа вакиллари билан хизмат муносабатларидаги хизмат интизومي ва одоб-ахлоқ қоидалари

36-модда. Жамият ходимининг раҳбар ва бошқа лавозимдаги шахслар билан ўзаро муносабатидаги одоб-ахлоқ қоидалари

Жамият ходими раҳбар ва бошқа лавозимдаги шахслар билан муносабатларда бўйсунув ва ўзаро ҳурмат қилиш одоб-ахлоқ қоидаларига (ички хизмат устав) риоя

қилишлари лозим. Жамият ходимлари ўзаро муносабатларда мазкур Кодекснинг 22 ва 23-моддаларида белгиланган мажбуриятларга риоя қилишини таъминлаши, ҳамкасбларининг мажбуриятларини бажаришга халақит бермаслиги, касбий муносабат ҳамда давлат ташкилотининг нуфузига зарар етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши лозим.

37-модда. Жамият ходими давлат ҳокимияти органлари вакиллари ўртасидаги одоб-ахлоқ қоидалари

Жамият ходими Жамият ва/ёки унинг тизим ташкилоти номидан ўз фаолиятида қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти органлари, шунингдек, бошқа давлат ташкилотлари билан Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамкорлик қилади.

Жамият ходимига бошқа давлат ташкилотининг давлат хизматчилари томонидан ҳар қандай таъсир ўтказилишига йўл қўйилмайди.

38-модда. Жамият ходимининг оммавий ахборот воситалари билан муносабатидаги одоб-ахлоқ қоидалари

Жамият ходими оммавий ахборот воситалари вакиллари билан хушмуомала бўлиши шунингдек, Жамият ва/ёки унинг тизим ташкилоти иш фаолиятини профессионал оммавий ахборот воситалари орқали ёритишга кўмаклашиши ҳамда ўзаро ҳамкорлик қилиши лозим.

Агар Қонунчилик ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, Жамият ходими ўз ваколатлари доирасига кирмайдиган масалалар юзасидан расмий оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш беришга ҳақли эмас.

Жамият ходимлари Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқлардан шахсий мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Бироқ, Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг нуфузига ёки бошқа шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматига зарар етказувчи маълумотларни тарқатмаслиги керак.

Агар оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқлари ёки Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали Жамият ходимлари фаолияти ҳақидаги маълумотларни тарқатиш натижасида Жамият ва/ёки унинг тизим ташкилотларининг иш фаолияти тўғрисида нотўғри фикр шаклланса, давлат хизматчиси расмий оммавий ахборот воситалари томонидан бундай баёнотларга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ муносабат билдиришга ҳақли.

Агар Жамият ходимига нисбатан оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқбузарлик содир этишда асоссиз равишда айблов қўйилган бўлса, улар бундай айблов аниқланган кундан бошлаб бир ой ичида уни рад этиш чораларини кўриши керак.

Жамият ходими суд органларига ўзларининг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш учун мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

39-модда. Жамият ходимининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва бошқа жамоат ташкилотлари билан муносабатидаги одоб-ахлоқ қоидалари

Жамият ходими Жамият ва/ёки унинг тизим ташкилоти номидан ўз фаолиятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ижтимоий-сиёсий, сиёсий-ҳуқуқий ва бошқа масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамкорлик қилади.

Жамият ходими фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотларига ҳеч қандай таъсир ўтказишга йўл қўймаслиги, шунингдек ушбу ҳамкорликдан ҳеч қандай наф олиши мумкин эмас, агар бу фуқаролик-ҳуқуқий шартнома билан расмийлаштирилган бўлмаса.

5-боб. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилиш ҳолатларини қайд этиш ва уларни кўриб чиқиш

40-модда. Жамият ходими томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузулганлиги тўғрисидаги хабар

Жисмоний ва юридик шахслар Жамият ходими томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузганлиги тўғрисидаги хабар асосли шубҳалар мавжуд бўлган тақдирда, улар тўғрисида Жамиятнинг ва/ёки унинг тизим ташкилотларининг расмий веб-сайтида эълон қилган махсус алоқа каналлари орқали мурожаат кўринишида хабар бериш мумкин.

Жамият ва/ёки унинг тизим ташкилотлари махсус алоқа каналлари орқали мазкур Кодекс талаблари бузилганлиги тўғрисида келиб тушган хабарларни тегишли тартибда рўйхатга олинишини ва уларни кўриб чиқилишини таъминлаши шарт.

41-модда. Мазкур Кодекс талаблари бузилганлиги ҳақида хабар берган шахсларнинг дахлсизлиги

Жамият ва унинг тизим ташкилотларида мазкур Кодекс қоидалари бузилганлиги тўғрисида хабар берганлик учун Жамият ходимини асоссиз равишда ишдан бўшатиш, лавозимини пасайтириш, интизомий жавобгарликка тортиш ёхуд таъқиб қилиш тақиқланади.

Ушбу Кодекс талаблари бузилганлиги тўғрисида хабар берган шахснинг дахлсизлиги таъминланиб, унинг таъқиб қилинишига йўл қўймайди.

42-модда. Жамият ходимининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик ҳолатлари тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш

Мазкур Кодекс талаблари бузилганлик тўғрисидаги асосли хабарларни кўриб чиқиш натижасида хизмат текширувини тайинлаш бўйича тегишли таркибий бўлинмалар томонидан Жамиятнинг ва/ёки унинг тизим ташкилоти раҳбарига таклиф киритилади.

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари томонидан мазкур Кодекс талабларини бузган Жамият ходими билан профилактик суҳбат ўтказилади.

Жамият ходимининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик ҳолатлари тўғрисида хабарларни кўриб чиқиш тартиби мазкур Кодексда белгиланган талабларга мувофиқ Жамиятнинг ва/ёки унинг тизим ташкилоти томонидан қабул қилинган ички идоравий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

43-модда. Мазкур Кодексда белгиланган талабларга риоя этилиши устидан назорат ва ҳисобдорлик

Одоб-ахлоқ комиссиялари ушбу Кодексда белгиланган талабларга риоя қилиниши устидан доимий назорат олиб боради ва белгиланган талабларнинг бузилиши ҳолатлари бўйича зарур чоралар кўрадилар.

Одоб-ахлоқ комиссиялари қонунчилик ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган тақдирда, ушбу кодексни бузган Жамият ходимларига нисбатан тегишли чораларни қўллаш тўғрисида ташкилот раҳбарига таклиф киритади.

Одоб-ахлоқ комиссиялари ўз фаолияти бўйича йиллик ҳисоботларни Жамиятнинг ва унинг тизим ташкилоти раҳбариятига киритади.

6-боб. Мазкур Кодекс қоидаларга риоя қилиш ва уларни бузганлик учун жавобгарлик

44-модда. Мазкур Кодекс талабларига риоя қилиш

Жамият ходимининг ушбу Кодекс талабларига риоя қилиши муҳим касбий вазифаси ҳисобланади.

Ушбу Кодекс тамойилларига риоя қилиш атеестациядан ўтказишда, бошқа мезонлар билан бир қаторда рағбатлантиришда, иш фаолиятини баҳолашда, юқори даражали ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

Сиёсий, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар Жамият ходимларининг қонун ҳужжатлари талабларини ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши учун асос бўла олмайди.

45-модда. Лавозимдан четлаштириш

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этган Жамият ходимлари вақтинча унинг жавобгарлик масаласи суд томонидан ҳал этилгунга, тергов органлари томонидан лавозимдан четлаштириш тарзидаги эҳтиёт чораси ва ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш кўринишидаги интизомий жазо чораси қўлланилгунга қадар лавозимдан четлаштирилиши мумкин.

Бундай ҳолатларда Жамият ходимининг лавозимдан четлаштириш суднинг қарори ёки ташкилот раҳбарининг тегишли буйруғи билан амалга оширилади.

Жамият ходими суднинг ёки иш берувчининг айби билан ғайриқонуний равишда лавозимдан четлаштирилганда ходимга етказилган зарарни ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда тўлаш мажбурияти қарор қабул қилган судга ёки иш берувчига юклатилади.

46-модда. Ушбу Кодекс талабларини бузганлик учун жавобгарликка тортиш тартиби

Жамият ходими томонидан мазкур Кодекс талабларини бузиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда хизмат текширувини тайинлаш ва интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Хизмат текшируви Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Жамиятнинг ички идоравий ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мазкур Кодекс талабларини бузганлик учун интизомий жазо чораси кўрилишидан олдин Жамият ходимидан тушунтириш талаб қилиниши керак.

Жамият ходимларининг тушунтириш беришдан бош тортиши илгари содир этилган қоидабузарлик учун жазо чораларини қўллашга тўсиқ бўлиб хизмат қила олмайди.

Жамият ёки унинг тизим ташкилотларининг одоб-ахлоқ комиссияси мазкур Кодекс талаблари бузилиши ҳолатлари кўриб чиқилиши натижаси бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида ҳулоса қабул қилади ҳамда ташкилот раҳбарига (раҳбар бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахсга) кўриб чиқиш учун одоб-ахлоқ талабларини бузган Жамият ходимини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритади.

Мазкур Кодекснинг 47-моддасида келтириб ўтилган енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, одоб-ахлоқ комиссиялари Жамият ходимига нисбатан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

Мазкур Кодекснинг 48-моддасида келтириб ўтилган оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, одоб-ахлоқ комиссиялари ташкилот раҳбарига кўриб чиқиш учун одоб-ахлоқ талабларини бузган Жамият ходимини эгаллаб турган лавозомидан озод қилиш тўғрисида таклиф киритади.

Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан Жамият ходимининг ноҳуя хатти-ҳаракати учун хулоса беришда унинг оғир-енгиллигига ҳамда бундай бузиш туфайли келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар ҳисобга олинади.

47-модда. Ушбу кодекс талабларини бузганлик учун интизомий жазони қўллашда енгиллаштирувчи ҳолатлар

Ушбу Кодекс талабларини бузганлик учун интизомий жазони қўллашда қуйидаги ҳолатларда енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилади:

а) одоб-ахлоқ талабларини бузганлигинини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш;

б) етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш;

д) Жамият ходими ўз раҳбарининг ноқонуний буйруғи, фармойиши ёки кўрсатмасини ижро этиш зарурияти билан амалга ошириш;

3) жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида қоидабузарлик содир этиш.

Одоб-ахлоқ комиссияси ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

48-модда. Ушбу кодекс талабларини бузганлик учун интизомий жазони қўллашда оғирлаштирувчи ҳолатлар

Ушбу Кодекс талабларини бузганлик учун интизомий жазони қўллашда қуйидаги ҳолатларда оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топилади:

а) одоб-ахлоқ талабларини бузган Жамият ходимига хизмат жиҳатидан буйсунувчи шахсга нисбатан;

б) мазкур Кодекс талабларини бузилиши натижасида оғир оқибатларни келиб чиққанлиги;

д) умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулотда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида;

э) мастлик (алкогол ёки гиёҳвандлик моддани истемол қилиш) ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида мазкур Кодекс талабларини бузиш;

ф) муқаддам одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун огоҳлантириш берилган ёки интизомий жавобгарликка тортилган бўлса.

Одоб-ахлоқ комиссиялари содир этган қоидабузарлик хусусиятини эътиборга олиб, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги ҳам мумкин.

Бунда, Одоб-ахлоқ комиссиялари айбдор Жамият ходимига хайфсан интизомий жазо чорасини қўллаши тўғрисида ташкилот раҳбарига кўриб чиқиш учун таклиф киритади.

Одоб-ахлоқ комиссияси хулоса чиқаришда ушбу моддада назарда тутилмаган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин эмас.

49-модда. Мазкур кодекс талабларини бузганлик учун қўлланиладиган интизомий жазонинг амал қилиш муддати

Жамият ходими одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун интизомий жазо ушбу Кодекснинг 48-моддасидаги кўрсатиб ўтилган оғирлаштирувчи ҳолатлар инobatга олган ҳолда қўлланилган тақдирда интизомий жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йил муддатга амал қилади.

Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

Жамият ходимига одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун интизомий жазони ушбу Кодекснинг 47-моддасида кўрсатилиб ўтилган енгиллаштирувчи ҳолатлар инobatга олган ҳолда қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, Жамият ходимининг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли.

Жамият ходимига одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун қўлланилган интизомий жазони бир йил ўтмасдан олиб ташлашга Жамият ходимига нисбатан интизомий жазо қўлланилганидан сўнг камида олти ой ўтганидан сўнг рухсат берилади.

50-модда. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун қўлланилган интизомий жазо устидан шикоят қилиш

Жамият ходими одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун қўлланилган интизомий жазо устидан якка меҳнат низоларини кўриш учун белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Жамият ходими ўзи йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далиллардан фойдаланиши мумкин.

Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик юзасидан келиб чиққан низони кўриб чиқаётган орган содир этилган ножуя хатти-ҳаракат қандай вазиятда юз берганлигини, ходимнинг олдинги хулқ-атворини, меҳнатга бўлган муносабатини, интизомий жазонинг содир этилган ножуя хатти-ҳаракатнинг оғирлик даражасига қанчалик мос келишини, иш берувчининг интизомий жазо бериш тартибига риоя қилганлигини ҳисобга олиб, ходимга нисбатан қўлланилган интизомий жазони ғайриқонуний деб топиш ва уни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

7-боб. Яқунловчи қоидalar

51-модда. Кодекснинг кучга кириши ва амал қилиши

Мазкур Кодекс доимий амал қиладиган ички меъёрий ҳужжат бўлиб, Жамият бош директорининг буйруғи билан тасдиқланган вақтдан бошлаб кучга киради ва бекор қилинганга ёки янги таҳрири тасдиқланганга қадар амал қилади.

52-модда. Кодексини қайта кўриб чиқиш ва ўзгартириш киритиш

Мазкур Кодекс қуйидаги ҳолатларда қайта кўриб чиқилади ва тузатишлар амалга оширилади:

ахлоқ-одоб борасидаги мавжуд амалиётларни қайта кўриб чиқишга зарурат туғилганда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки етакчи халқаро амалиёт ўзгарганда;

Жамиятнинг стратегияси ва мақсадлари ўзгарганда;

самарасиз чора-тадбирлар ва амалиётлар аниқланганда ва уларни такомиллаштиришга зарурат пайдо бўлганда;

Жамиятнинг ташкилий тузилмаси ёки фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ўзгарганда ва х.к.

Мазкур Кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Жамият бошқаруви раисининг буйруғи билан амалга оширилади.